

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВА ЗУЛФИЯ КАЮМОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕТОДОЛОГИК МАДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Муродова Зулфия Каюмовна

Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш
технологияси 5

Муродова Зулфия Каюмовна

Технология совершенствования методологической культуры
у будущих учителей 25

Murodova Zulfiya Kayumovna

The technology of formation of methodological culture in future teachers 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВА ЗУЛФИЯ КАЮМОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕТОДОЛОГИК МАДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик компетенциясини ривожлантириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, ечим топиш, назарий билимларга таянган ҳолда амалиёт билан боғлиқ оқилона қарорлар қабул қилишга қодир, методологик маданияти юқори педагог кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, педагогика олий таълим муассасаларида амалий йўналтирилган педагогик туркум фанларни интеграциялаб ўқитиш орқали бўлажак ўқитувчиларда рефлексив ва прогностик малакаларни ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнини самарали лойиҳалаш ва амалга оширишга лаёқатлилиқни тарбиялаш муҳим ўрин эгалламоқда. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни янгиликларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалда қўллаш малакаларини таркиб топтириш билан методологик маданиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Дунёда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигининг муҳим таркибий асоси сифатида методологик маданиятни шакллантиришнинг дидактик жиҳатларини аниқлаштириш, инновацион фаолиятнинг асоси тарзида методологик билимларни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак ўқитувчиларда шиддат билан ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий, маданий шароитларда мослашувчанлик ва мобиллиқни таркиб топтириш, умумтаълим фанларини ўқитишда методологик билимлардан фойдаланишнинг дидактик асосларини такомиллаштириш, педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишга доир методологик лаёқатлилиқни ривожлантириш, халқаро баҳолаш дастурлари асосида таълим сифатини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмини ишлаб чиқиш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикамизда олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун кўшимча шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”¹ ижтимоий соҳанинг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилган. Инновацион фаолиятни ривожлантириш шароитида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш, мазкур жараённи амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

оширишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш ва интегратив-модулли технологиясини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада илмий тадқиқот асослари, илмий ижод методологияси, фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари, педагогика фани ва педагогик тадқиқотлар методологияси, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг методологик жиҳатлари, талабаларда табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш, таълим фалсафаси масалалари Б.Абдуллаева, Н.Азизхўжаева, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, Л.Перегудов, А.Рахимов, И.Саифназаров, Х.Тўрақулов, Б.Ходжаев, А.Чориев, Н.Шермухамедова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан О.Анисимов, Е.Бережнова, Н.Боритко, М.Дубова, В.Загвязинский, В.Краевский, В.Лукашов, В.Сластенин, А.Ходусов каби олимлар томонидан ўқитувчининг методологик маданияти тузилмаси ва компонентлари, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш модели, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методологик маданиятни ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари, педагогик тадқиқотларнинг мантиқий-гносеологик асослари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижлик олимлардан М.Амжад, Н.Линда, С.Ахужа, С.Каур, С.Панда, М.Бухманн, Л.Маргулие, Р.Кумар, М.Хассан, М.Хуссейн, М.Хейтинк, Б.Велдкамп, К.Шейлдкамп, У.Кипперс, Ф.Ван дер Клей каби олимлар томонидан янгиликларга раҳбарлик қилишга доир тадқиқотлар методологияси, ўқитувчиларни тайёрлашнинг методологик масалалари ўрганилган.

Бироқ бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш мазмуни, тузилмаси, компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари, инновацион фикрлашни ривожлантириш орқали методологик маданиятни шакллантириш модели, педагогик шарт-шароитлари ва интегратив-модулли технологияси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР “RUECVET: Россия ва Ўзбекистон таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) зачет бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” (2016-2019 йй) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

инновацион фикрлаш воситасида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

модулли таълим асосида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қарши давлат университети, Фарғона давлат университети, Наманган давлат университетларининг 300 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш мазмуни, модели ва технологияси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, сўровнома, анкета-тест, суҳбат, методологик маданиятнинг шаклланганлиги баҳолаш методикалари, асословчи, шакллантирувчи ва назорат эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш жараёни касбий ижодий вазифаларни англаш, методологик нуқтаи назарни таркиб топтириш, педагогик назариялардаги карама-қаршиликларнинг сабабларини аниқлаш, методологик билимлар воситасида уларга ечим топиш, шахсий педагогик фаолиятга доир методологик рефлексияни амалга ошириш билан бевосита ва билвосита боғлиқ изланишли-тадқиқотчиликка йўналтирилган эвристик амалиёт продуктивлигини таъминлаш индикатори эканлиги аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари назарий билимларни ўзлаштириш, ижодий ва эмоционал-қадриятли муносабат тажрибасини эгаллашга йўналтирилган методик рефлексия воситасида янгиликларни ўзлаштиришга доир объектив ва субъектив рискларнинг таъсир даражасини минималлаштиришга доир ўз-ўзини касбий ривожлантириш механизмини белгилаш асосида аниқлаштирилган;

инновацион фикрлаш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг методологик маданиятини шакллантиришнинг ташкилий-функционал модели мазкур жараёни шартли ифода этувчи шахсий майдонни лойиҳалаш, ижтимоий-маданий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини англаш ва баҳолаш, мавжудликнинг бинар тузилмасини учлик структурага онгли “кўчириб ўтказиш”нинг очиклиги ва мослашувчанлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг методологик маданиятини шакллантириш технологиясининг алгоритмик босқичлари ўқув материални мантиқий-дидактик ва психологик жиҳатдан тизимлаштириш, методологик билимларни мустақил ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириш, эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолият уйғунлиги динамиклигини таъминлашга хизмат қилувчи интегратив блок-модулли тузилмани ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш мезонлари ва даражалари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришга доир тўғарак машғулотлари дастури ишлаб чиқилган;

“Педагогик тадқиқотларни моделлаштириш” номли ўқув қўлланма нашр эттирилган;

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологиясини қўллашга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “методология”, “маданият”, “методологик маданият”, “ўқитувчининг методологик маданияти” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиб берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш касбий фаолиятга тайёргарликнинг таянч асоси эканлигининг очиб берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш компонентлари, қонуниятлари, тамойиллари, педагогик-психологик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак

Ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг илмий дунёқараш билан алоқадорлигининг очиб берилганлиги, методологик маданиятни шакллантиришда педагогик тафаккурнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инновацион фикрлаш воситасида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, ТРИЗ-педагогикаси тузилмасига мувофиқ, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштирилганлиги, ўқув материални мантиқий-дидактик ва психологик таҳлил қилиш, билимларни ривожлантириш, продуктив вазифаларни ишлаб чиқишга доир эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолият турларини тизимлаштириш асосида динамикликни таъминлашга хизмат қилувчи интегратив тузилмали блок-модулли технология ҳамда методологик маданиятнинг шаклланганлигини ташхис этиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологияси бўйича олинган натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш жараёни касбий ижодий вазифаларни англаш, уларни методологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, педагогик назариялардаги қарама-қаршиликларни тадқиқ этиш, методологик билимлар воситасида уларни ҳал этиш, шахсий педагогик фаолиятга доир методологик рефлексияни амалга ошириш билан бевосита ва билвосита боғлиқ эканлигини асослашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5А110901 – Педагогика назарияси ва тарихи магистратура мутахассислиги учун “Педагогик тадқиқотларни моделлаштириш” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-220 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг дидактик жиҳатларини очиб беришга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, инновацион фикрлаш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг методологик маданиятини шакллантириш жараёнини шартли ифода этувчи шахсий майдонни лойиҳалаш, ижтимоий-маданий жараёнларни англаш, таҳлил этиш ва баҳолашга ўрганиш, мавжудликнинг бинар тузилмасини учлик структурага онгли “кўчириб ўтказиш”ни таъминловчи ташкилий-функционал модел 5А110901 – Педагогика назарияси ва тарихи магистратура мутахассислиги учун ишлаб чиқилган “Педагогик тадқиқотларни моделлаштириш” номли ўқув қўлланма мазмунида акс этган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-220 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш жараёнини моделлаштиришнинг мантиқий-тузилмали компонентини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўқув материални мантикий-дидактик ва психологик таҳлил қилиш, билимларни ривожлантириш, продуктив вазифаларни ишлаб чиқишга доир эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолият турларини тизимлаштириш асосида динамикликни таъминлашга хизмат қилувчи интегратив тузилмали блок-модулли технология 5A110901 – Педагогика назарияси ва тарихи магистратура мутахассислиги учун ишлаб чиқилган “Педагогик тадқиқотларни моделлаштириш” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-220 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 133 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, методологик маданиятни шакллантиришнинг илмий дунёқараш билан алоқадорлиги ҳамда педагогик фикрлаш бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш асоси эканлиги ёритиб берилган.

Бўлажак ўқитувчининг методологик маданияти муаммосининг назарий англаниши бугунги кунда жадал амалга ошмоқда. Анъанавий нуқтаи назардан методологик маданият деганда, илмий фаолиятни амалга ошириш маданияти тушунилади. Замонавий шароитда амалга оширилган тадқиқотларда (В.А. Сластенин, О.М. Шкуропатова) методологик маданият касбий-педагогик маданият ва ўқитувчининг касб маҳорати билан алоқадорликда кўриб чиқилмоқда.

Методологик маданият – бу методологик билимларга асосланган илмий фикрлаш маданиятидир, унинг ўзаги эса методологик рефлексияни ташкил этади (В.В. Краевский). Педагог-тадқиқотчининг методологик маданияти – тадқиқотчининг қадриятларни англаш, тизимли методологик билимлар, илмий изланиш жараёни ва натижаларини лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва баҳолашнинг методологик кўникмалари, илмий муаммонинг адекват ечимини тақозо этадиган шахсий интеллектуал услубни интеграциялашни талаб этувчи касбий маданият компонентида. Педагог-тадқиқотчи методологик рефлексиянинг субъекти (ташаббускори) бўлиши жуда муҳим.

Таҳлил натижалари асосида бўлажак ўқитувчининг методологик маданияти – бу методологик билим, кўникма ва малакалар, рефлексияга қобилиятлилик, маълум бир концепция, билиш шакл ва методларини илмий асослаш, танқидий таҳлил этиш ва ижодий қўллаш, бошқариш ва тузишга асосланган фикрлаш маданияти, деган хулосага келинди.

Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришга доир муаллифлик концепцияси сифатида куйидаги компонентлар асос сифатида белгилаб олинди: шахсий-қадриятга йўналтирилган нуқтаи назар; билимлар тизими (антропологик, методологик ва психологик-педагогик); тадқиқотчиликка доир кўникма ва малакалар; аналитик-рефлексив қобилият; ижодий ва коммуникатив фаолият тажрибаси.

Муаллифлик концепцияси ва методологик маданиятнинг таркибий асосларига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш тузилмаси

Тадқиқ этилаётган муаммо доирасида методологик маданият умуммаданий, умумилмий, касбий-педагогик тайёргарлик, шунингдек, Интернет билан ишлаш, чет тилларни ўзлаштириш, маълумотлар базаси ва банкидан фойдаланиш каби касбий устувор компонентлар асосида ривожланиши ҳақидаги қонуният аниқлаштирилди.

Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш уларда илмий дунёқарашни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Умумий ўрта таълим босқичида шакллантирилган тадқиқотчилик кўникмалари ижтимоий-педагогик жиҳатдан талабаларда илмий дунёқарашни шакллантиришда барқарорликни таъминлаш имконини беради. Илмий дунёқараш талабаларнинг билимларни мустақил ўзлаштиришларини таъминлайди. Худди шу билимлар талабалар томонидан тадқиқотчилик фаолияти натижасида қайта ишланади ва ижодий ўзлаштирилади. Талабада вужудга келган илмий нуқтаи назарнинг барқарорлиги унда ҳосил бўлган илмий дунёқарашнинг тадрижийлиги ва изчиллигини таъминлайди.

Талабанинг дунёқарашини алоҳида-алоҳида блокларнинг уйғунлашувидан таркиб топади. Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун ўқув-билиш жараёнида муайян назарий билимлар билан бир қаторда, улар яшаб турган жамият ва табиатнинг мавжуд ҳолати, ундаги муаммолар ва ечимлар, талабаларнинг шахс сифатида мазкур жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳам изчил маълумотлар бериш талаб этилади. Талаба шахсига йўналтирилган ўқув-билиш жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва уни самарали бошқариш натижасида, уларда изчил тарзда таркиб топган илмий дунёқараш вужудга келади. Талабаларни босқичма-босқич, мақсадли тарзда назарий билимларни эгаллашга йўналтириш натижасида, уларда табиат ва жамият билан онгли ҳамкорлик қилиш малакаси ривожлантирилади.

Шунингдек, тадқиқот доирасида методологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида педагогик фикрлашнинг ўрни ва аҳамияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Педагогик фикрлаш объектив-субъектив тарбиявий ўзаро муносабатларни, шахснинг шаклланиши ҳамда ривожланишига бевосита таъсир этувчи болалар ва катталарнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини билиш ва англаш натижасида юзага келади. Педагогик фикрлаш ўқитувчининг таълим-тарбия амалиётини англаш, таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, баҳолашга имкон берувчи касбий фикрлаш қобилияти сифатида шаклланади.

Илмий-педагогик фикрлаш диалектика қонунлари асосига қурилади. Унда болалар ҳаётининг фаолиятининг ташқи шарт-шароитлари ва тасодифий рағбатларини тақозо этувчи ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ҳаракатга йўналтириш нуқтаи назаридан педагогик далил, вазият, ҳодиса, воқеликлар ҳисобга олинади. Бола қандай ҳаракат қилишига қарамасдан, унинг хулқ-атвори ва шахсини таҳлил этишда нафақат аниқ яхши ёки ёмон хатти-ҳаракатига оид далиллар, балки унинг ички олами билан боғлиқ идеал, мотив, эҳтиёж, қизиқишларини ҳисобга олиш зарур. Масалага бундай ёндашув шаклланаётган шахснинг хулқ-атвори тасодифийми ёки характеридаги

конуният натижаси эканлигини ишончли аниқлаш имконини беради. Бу эса, хулқ-атворни педагогик саводхонлик билан таҳлил этиш, унга асосли баҳо бериш ва тўғри таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Методологик маданиятнинг муҳим белгиларидан бири ўқитувчиларнинг назарий билимларни ўзлаштирганлигидир. Шунинг учун назарий билим мазкур маданиятнинг ўзига хос моделидир. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида талабалар нафақат назарий-методологик, балки махсус-илмий, меъёрий билимларни ҳам ўзлаштириши лозим.

Методологик маданиятнинг муҳим кўрсаткичи ўзида методик рефлексияни амалга ошириш кўникмасини акс эттиради. У педагогнинг ўзининг ютуқлари ва омадсизлиги сабабларини аниқлаш; шахсий фаолияти қоидалари ва тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда натижаларини умумлаштириш; бошқа ўқитувчиларнинг фаолиятини таҳлил этиш каби кўникмаларида намоён бўлади. Энг асосийси эса, ўзининг меҳнатини таҳлил этиш учун назарий билимлардан фойдаланиш кўникмаси ҳисобланади.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш натижалари ўқитувчига қийинчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари сифатида ўзининг билимлари ва касбий кўникмаларидаги камчиликларни англашга имкон беради. Муваффақиятга эришишга қизикқан ўқитувчи турли вазиятларни ўзи учун моделлаштиради, яъни ўзини кўз олдига келтириб, қаерда қандай ҳаракатланишни режалаштиради. Муаммоли тавсифдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали ўқитувчи педагогик маҳорат нуқтаи назаридан касбий ўсишга эришади (2-расмга қаранг).



2-расм. Бўлажак ўқитувчининг касбий ўсишини таъминлаш механизми

Ижтимоий-гуманитар ва психологик-педагогик фанлар орасидаги узвийлик ва фанлараро алоқадорлик асосида бўлажак ўқитувчининг методологик маданиятини шакллантириш билиш методологияси моҳиятини тушуниш ва педагогик жараёнларни қайта ташкиллаштиришга таяниши лозим.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида инновацион фикрлаш воситасида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш модели, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ҳамда модулли таълим асосида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологияси ёритиб берилган.

Сўнги вақтларда турли манбаларда “инновация”, “инновацион фаолият” тушунчаси билан бирга, “инновацион фикрлаш” атамасидан ҳам тез-тез фойдаланиш ҳолати кўзга ташланади. Шу билан бирга, кўпгина илмий изланишларда инновацион фикрлаш тушунчаси қўлланилсада, унинг моҳияти аниқ очиб берилмайди. У одатда шахснинг инновацион фаолиятга қобилиятлилиги сифатида талқин қилинади. Бироқ инновацион фаолиятга қобилиятлилиқ нафақат фикрлаш жараёни, балки ташаббускорлик, танқидий муносабат билдириш, рефлексив лаёқатлилиқ, новаторликка мотивацион йўналганлик каби шахс сифатларини ҳам ўз ичига олади.


Инновацион фикрлаш – бу бевосита фаолият билан боғлиқ; объектив янги воқелик(ноумен)ни яратишга йўналтирилган; ноуменни яратиш асосида амалий муаммоларни ҳал этиш имконини беради; ижтимоий позитивликни акс эттиради.

Инновацион фикрлашнинг асосий ўзига хос хусусияти шундаки, у фаолият билан бевосита боғлиқ. Бундай фикрлашни биз атроф-муҳитни моддий жиҳатдан ўзгартиришда намоён бўлувчи мазкур жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мотивация ва якуний натижадан айри ҳолда, фақат ментал моделларга таяниб талқин қилишимиз мумкин эмас. Бошқача айтганда, инновацион фикрлаш ментал моделни яратишга олиб келувчи мотивлар, шахсий фикрлар ва ушбу моделни амалда татбиқ этишга доир ташқи предметли фаолият билан тавсифланади.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича адабиётлар таҳлили инновацион фикрлаш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг методологик маданиятини шакллантириш жараёнини шартли ифода этувчи шахсий майдонни лойиҳалаш имконини берди. Мазкур шахсий майдонни лойиҳалаш тузилмасини асос қилиб олиш орқали бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг функционал-интегртив модели ишлаб чиқилди (3 расмга қаранг).

Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг функционал-интегртив (талаба шахси, фаолияти ва маданияти бирлиги) модели инвариант тавсифга эга бўлиб, қуйидаги тўрт блокни ўз ичига олади: а) мақсадга йўналтирилган (ижтимоий буюртма, мақсад, вазифа); б) мазмунли-модулли дастурлар; в) жараёнга доир – ўқитиш жараёнини ташкил этиш, методологик маданиятни шакллантиришнинг шакл, метод ва шарт-

шароитлари; г) диагностик – мезонлари, даражалари, кўртсаткичлари, натижалари, баҳолаш. Модел дунёқараш ва педагогик фаолиятни уйғунлаштириш механизми, ички, потенциал, ташқи, фаолиятли экстериоризация омиллари сифатида юзага чиқади.



3-расм. Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг функционал-интегртив модели

Моделнинг педагогик моҳияти шундаки, у бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришга доир ишонарли, кутиладиган ва кўзда тутилган ўзгаришлар ўртасидаги имкониятларни кенгайтириш шарт-шароитларини аниқлаш, ўрганиш ва илмий асослашга имкон беради. Чунки таълим-тарбия жараёнлари, таълим ташкилотлари бажарадиган миссиянинг самарадорлиги бўлажак ўқитувчиларнинг эътиқоди ва дунёқарашига бевосита боғлиқдир.

Илмий изланиш натижалари асосида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш педагогик шарт-шароитларининг уч гуруҳи аниқлаштирилди: концептуал, ташкилий ва умумдидактик. Қуйида уларнинг тавсифини баён этамиз.

Концептуал педагогик шарт-шароитлар:

- мажмуавийлик, тизимлилик, субъективлик, детерминизм, шахснинг ижтимоий детерминацияси, ривожланиш, инсонпарварликни талаб этадиган: педагогик жараён яхлитлиги, унинг табақалашуви ҳамда таълим мазмуни, самарали метод, восита ва усуллари танлашга педагогнинг йўналганлиги; шахс ривожининг етакчи унсурларини аниқлаш, “ўзлигини англаш” жараёнларининг шаклланиши, педагогик метод ва воситаларни амалга ошириш, аниқланган омилларни фаоллаштирувчи; таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли, фаол, ўз-ўзини кадрлайдиган иштирокчиси сифатида таълим олувчиларга муносабат; талабаларнинг ташаббуси, мустақиллиги, эркин ўзини тутишини қўллаб-қувватлашга доир акмеологик тамойиллар;

- таълимий фаолиятда инсонпарварлик педагогикасига таяниш: таълим-тарбияни фаолиятли, шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи, индивидуал-табақалашган ёндашувлар асосида амалга ошириш; инсонпарварлик педагогикаси тамойилларига амал қилиш, таълим жараёнидаги қарама-қаршилик ва вариативлик билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш асосида муаммолилик даражасини таъминлаш; таълим субъектлари ҳамкорлиги ва ижодкорлиги муҳитини ташкил этиш; таълим жараёнида диалогик, ижодкорлик ва ишонч асосида педагогик ўзаро ҳаракатни ташкил этиш талаб этилади.

- таълимий фаолиятда аксиологик (шу жумладан, конструктив аксиология тамойилларига) асосга таяниш: таълим мазмунини таълимий кадриятлар, кадриятли йўналишлар билан бойитиш, уларнинг аҳамиятини асослаш; шахсий кадриятлар, мотив ва эҳтиёжларни англаш ва таҳлил этишга йўналтирилган таълим олувчиларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш; таълимий фаолият, индивидуал қобилиятларни (ўйинли таълим, танлов вазиятлари, таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш) фаоллаштириш; педагогларнинг таълим олувчиларнинг касбий-кадриятли йўналишларини ҳисобга олиши, уларнинг фаолият мотивлари сифатида фаоллаштириши, инсонпарвар нуқтаи назари, мулоқотнинг демократик услуби, педагогнинг эмоционаллиги талаб этилади.

Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар:

- ТРИЗ педагогикаси мазмунини амалга оширишга педагогларни назарий-методологик тайёрлаш: ТРИЗ педагогикаси моҳияти ва мазмуни, уни

амалга ошириш метод ҳамда воситалари, мазкур жараёни назорат қилиш; бўлажак ўқитувчиларнинг методологик маданиятини шакллантириш (шу жумладан, қарама-қаршиликларни ҳал этиш тренингларини ташкил этиш ва ўтказиш, ютуқлар мотивацияси, рефлексия усуллари), махсус психологик-педагогик методларни ўзлаштириш, методологик маданиятнинг шаклланганлик даражасини ташхис этиш ва баҳолаш;

- бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнидаги вазифаларни ҳал этишда ТРИЗ-педагогикасидан фойдаланишга тайёрлаш: ўқув фанлари мазмунининг қайта англаниши, уларни қадриятли, касбий-йўналтирилганлик билан бойитиш, ўқув материални қайта тизимлаштириш тартибида баён этиш.


Касбий-педагогик таълимда акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари тузилмаси мисолида методологик маданиятни шакллантиришнинг қуйидаги асосий дидактик шартлари аниқланди: информацион (таълим мазмуни), шахсий (таълим субъектларининг хулқ-атвори, фаолияти, ўзаро биргаликдаги ҳаракат тавсифига қўйиладиган талаблар, тизимли-манتيқий фикрлашни ривожлантириш), технологик (ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини танлаш).

Тадқиқот доирасида аниқланган методологик маданиятни ўзлаштириш даражаларига мувофиқ, табиий-илмий ва гуманитар фанлар (фалсафа, 1 курс), умумий педагогика (2-3 курс), “Методологик маданият” тўғарак машғулоти (4 курс) бўйича интегратив модул ишлаб чиқилди ва таълим амалиётига татбиқ этилди (4-расмга қаранг).

4-расмдан кўриниб турибдики, интегратив модул ўзида эвристик фаолиятнинг қуйидаги турларини бирлаштирган уч блокни акс эттиради: I блок ўзида фанга доир билимлар ва уларга мувофиқ фаолият турларини қамраб олади; II блок педагогика методологияси мазмуни ва унинг фаолият турларига мувофиқлигини очиқ беради; III блок методологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган фаолиятнинг “мустақил” турлари билан боғлиқ.

Тадқиқот доирасида методологик маданиятни шакллантириш жараёни уч босқичда амалга оширилди: 1) тайёрлов; 2) мазмунли-жараёнли; 3) амалий.

Тайёрлов босқичида 2-3 курсларда ўқитиладиган “Умумий педагогика” фанининг “Педагогика назарияси”, “Педагогик маҳорат” модуллари таркибидан тадқиқ этилаётган мавзуга доир субмодулар белгилаб олинди: 1. Педагогика шахс тарбияси ва ривожланиши тўғрисидаги фан. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси ва методлари. 2. Яхлит педагогик жараён. 3. Дидактика – педагогик таълим назарияси. Ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. 4. Таълим мазмуни. 5. Таълимни ташкил этиш шакллари ва турлари. 6. Таълим методлари ва воситалари. 7. Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари. 8. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш. 9. Педагогик тажрибани тўплаш тизими.



4-расм. Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг интегратив модули технологияси блок-чизмаси

Таълимий тажриба-синов ишларининг мазмунли-жараёнли босқичи доирасида қуйидаги фаолият турларини мақсадга мувофиқ режалаштиришда ўз ифодасини топадиган методологик маданиятни шакллантиришнинг интегратив модули амалга оширилди: ўқув материалларини мантиқий-дидактик ва психологик таҳлил қилиш; билимларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолият; эвристик фаолият; тадқиқотчиликка доир фаолият; импровизацион фаолият.

Педагогнинг методологик маданиятини шакллантириш усулларидан бири сифатида ўқув материалларини мантиқий-дидактик ва психологик таҳлил этиш белгилаб олинди. Мазкур кўникма дарсга тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш бўйича фаолиятни режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Мазкур таҳлилнинг мақсади – ўқувчилар қандай билим ва кўникмаларни қай даражада ўзлаштириши; аниқланган билим, кўникма ва малакалар ўртасида ўзаро қандай алоқадорлик мавжуд; қандай фаолият усуллари орқали ўқувчилар материални ўзлаштириши мумкин; топшириқлар устида ишлаш жараёнида ўқувчиларда қандай қийинчиликлар юзага келиши мумкинлигини аниқлаштиришдан иборат.

Таълимий тажриба-синов ишларини умумлаштиришнинг бошқа турини ўқув вазифаларини бажариш кўникмаларини шакллантириш бўйича эвристик фаолият ташкил этди. Мазкур фаолият тури “Умумий педагогика” фани бўйича семинар ва “Методологик маданият” тўғарак машғулотида жараёнида амалга оширилди.

Талабаларда ўқув вазифаларини лойиҳалаш ва уларга ечим топишга доир методологик кўникмаларни шакллантириш учун эвристик (қисман изланишга доир) кўрсатмалар йиғиндиси таклиф этилди. Мазкур кўрсатмалар ўқув вазифаларини лойиҳалашнинг беш категориядан иборат таксономияси (кетма-кетликка ва мураккаб тузилишга эга фаолият соҳаларини тизимлаштириш) билан мувофиқ равишда ишлаб чиқилди: 1.00. Маълумотларни мнемоник (эсда сақлаб қолишга имкон берувчи) қайта ишлаб чиқишни талаб этувчи вазифалар; 2.00. Маълумотлар билан ишлашда оддий фикрий операцияларни талаб этувчи вазифалар; 3.00. Маълумотлар билан ишлашда мураккаб фикрий операцияларни талаб этувчи вазифалар; 4.00. Маълумотларни хабар тарзида тақдим этишни талаб этувчи вазифалар; 5.00. Ижодий фикрлашни талаб этувчи вазифалар.

Талабаларда тадқиқотчилик фаолиятига доир кўникмаларни ривожлантириш “Методологик маданият” тўғарак машғулоти доирасида амалга оширилди. Мақсад сифатида талабаларни педагогнинг тадқиқотчилик фаолиятини назарий қоидалари билан таништириш, тадқиқот муаммосини танлаш, мақсад ва вазифасини аниқлаштириш, фаразларни илгари суриш усуллари, тадқиқот натижаларини ташхис этиш ва таҳлил этиш методларини ўргатишдан иборат этиб белгиланди.

Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида биз бўлажак ўқитувчиларда импровизацион фаолиятга қобилиятлиликни шакллантириш мақсадида “Методологик маданият” тўғарак машғулоти доирасида тренингларни ташкил этдик. Қуйидаги мазкур машқлардан айримларини келтириб ўтамиз.

“Телепатия” – педагогик интуицияни ривожлантириш машқи.

Иштирокчилар жуфтликларга бўлинишади (“бир-икки” деб саналади, биринчи рақамлилар иккинчилар орасидан ўзига жуфтлик танлайди). Барча жуфтликлар бир-бирига юзма-юз қараб ўтиришади ва улардан қайси бири бошловчи, ким ҳамроҳ бўлишини келишиб олишади. Бошловчи бирор-бир образ ёки фикрни “узатиш”ни бошлайди: у диққатни жамлаб, 4-5 дақиқа давомида мазкур ҳолатни ўзининг шеригига тасвирлаб беради. Ҳамроҳнинг вазифаси бошловчи нима ҳақида ўйлаётганлиги ёки ҳис қилаётганлигини тушунишдан иборат.

Ўйин айрим чекловларга эга: образни бошловчи сўзсиз, фақат кўз, юз ифодаси билан тушунтириши керак; расм, жест каби ёрдамчи воситалардан фойдаланиш таъқиқланади.

Қачонки образни кўрсатиб бериш яқунлангач, ҳамроҳлик қилувчи нимани тушунганлиги ёки ҳис қилганлигини бошловчига сўзлаб беради. Жутфликларда муҳокама тугагач, гуруҳий мунозара бошланади. Ўйинда иштирок этувчиларнинг истагига кўра, бир нечта жуфтлик ўзининг таассуротлари ҳақида гапириб беради.

Фикрлаш ва ҳаракат тезлигини ривожлантиришга имкон берувчи машқ. “Мухбир мактаби” машқида мухбир ролидаги талабаларга навбати билан савол берилади. Бирданига, танаффуссиз, узоқ ўйламасдан жавоб бериш керак. Сўнг машқ мураккаблашади – иштирокчилар саволларга ўқитувчи, директор, ўқувчи позициядан жавоб бериши керак. Мазкур машқни бажаришда саволлар ва жавоблар орасида тўхташ бўлмаслиги, саволларнинг тўғри тузилганлиги, таклиф этилаётган шахс позициясига мос бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантиришнинг амалий-технологик босқичи аниқ шарт-шароитлар ва интегратив модуллар асосида амалга оширилиб, кутилган натижанинг кафолатланишига хизмат қилди.

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида асословчи ва шакллантирувчи тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш методикаси, шунингдек, тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари 2017-2021 йилларда Қарши давлат университети, Фарғона давлат университети, Наманган давлат университетларида амалга оширилди. Тажриба-синов ишларига педагогика ва психология, бошланғич таълим бакалавриат йўналишлари 300 нафар 3-4 курс талабалари жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: асословчи (2017.16.09. – 2017.22.11.), шакллантирувчи (2017-2020 йй.) ва назорат (2020.16.09. – 2021.05.05.).

